

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АҲРОРҚУЛОВ АНВАР АНВАРОВИЧ

**НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
МАҚОМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy(PhD)

Ахроркулов Анвар Анварович

Нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини
тақомиллаштириш..... 3

Ахроркулов Анвар Анварович

Совершенствование гражданско-правового статуса некоммерческих
организаций 24

Akhrorkulov Anvar Anvarovich

Improvement of the civil status of non-profit organization.....44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АҲРОРҚУЛОВ АНВАР АНВАРОВИЧ

**НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
МАҚОМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Ү241 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Окюлов Оманбай

юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раҳмонкулова Нилуфар Ходжи-Акбаровна

юридик фанлар доктори, доцент

Ахмаджонов Бахтиёржон Усубжонович

юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Ү.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 2 апрель соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1033-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил 11 март куни тарқатилди.
(2022 йил 11 мартдаги 6-рақамли реестр баённомаси).



И.Р. Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.Ю. Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

С.С. Гулямов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нодавлат нотижорат тузилмалари, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ихтиёрий бирлашмалари орқали ўз ҳуқуқи ва эркинликларини амалга ошириш, мулкӣ ва шахсий номулкӣ манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Нотижорат ташкилотларини вужудга келиш асослари ва усуллари, уларнинг турлари ва фаолият мақсадлари, ҳуқуқ субъекти сифатидаги тутган ўрни юриспруденциянинг муҳим йўналишларидан бири саналади. Бугунги кунда дунёда нотижорат ташкилотларининг кўплаб турлари: халқаро нодавлат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, нотижорат ташкилотлари каби турлари амал қилади. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Ривожланиш дастури маълумотларига кўра, дунёда 40 000 атрофидаги нодавлат ташкилотлари ва юз минглаб жамоат ташкилотлари фаолият олиб боради¹. Масалан, Австралияда 600 000 дан ортиқ нодавлат ташкилотлар (ННТ) мавжуд бўлиб, уларнинг ходимлари Австралия ишчикучининг 8% ни ташкил қилади. Бироқ, ушбу ННТларнинг фақат 60 000 таси рўйхатдан ўтган². Бундан кўринадики, нотижорат ташкилотларининг фуқаролик-ҳуқуқӣ мақомини аниқлаштириш, уларни рўйхатдан ўтказиш тизимини янада аниқлаштириш долзарб тус касб этади.

Жаҳонда нотижорат ташкилотлари демократик инситутлар қаторига кириши билан бирга, юридик шахсларнинг алоҳида тури сифатида эътироф этилади. Бунда нотижоратларни ташкилотларини ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳуқуқӣ мақомини белгилаш, фаолиятининг асосий йўналишлари ва фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлигини аниқлаш ҳуқуқӣ тадқиқотлар объекти сифатида қаралади. Шунингдек, нотижорат ташкилотларининг мол-мулкини шакллантириш усуллари ва шартлари, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалаларини ўрганиш ҳам илмий муаммолар ва улар ечимларининг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади³. Хусусан, нотижорат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши, уларнинг универсал ёки махсус ҳуқуқ лаёқати, турларга ажратиш мезонлари ва таснифланиши фуқаролик ҳуқуқида илмий изланишлар предмети ҳисобланади.

Ўзбекистонда нотижорат ташкилотларининг юридик шахс сифатидаги мақоми, уларнинг ваколати доирасини белгилаш, даромадини тақсимлаш, муассислар (иштирокчилар, аъзолар) ва нотижорат ташкилоти ўртасидаги муносабатларнинг чегарасини аниқлаш долзарб тус касб этади. Бундан ташқари, нотижорат ташкилотлари бир вақтнинг ўзида давлат ва нодавлат тузилмаси бўлиши уларнинг ҳуқуқӣ мақомини белгилаш ва тартибга солишга нисбатан дуалистик ёндашувни юзага келтириши ҳам илмий муаммолар сирасига киради. Статистик маълумотларга қараганда, бугунги

¹ <https://www.apa.org/international/united-nations/publications#:~:text=Statistics%20about%20the%20number%20of,in%20the%20hundreds%20of%20thousands.>

² [Australian Charities and Not-for-profits Commission](#)

³ <https://www.standardizations.org/bulletin/?p=841>

кунда мамлакатимизда 10 мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд¹. Бу эса ўз навбатида, нотижорат ташкилотларининг фуқаролик-хуқуқий мақомини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда. Нотижорат ташкилотларининг жамият тараққиётида тутган ўрнига юқори баҳо бериб, Президентимиз Ш.Мирзиёев “бунинг учун мамлакат ва ҳудудлар даражасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиб, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни кўпайтириш”² зарурлигини қайд этган эди. Дарҳақиқат, нотижорат ташкилотларининг мулкӣ асосларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятига жалб этилиши мумкин бўлган маблағларнинг қонуний йўллари қонунчиликда аниқ белгилаш орқали ушбу ташкилотларнинг фуқаролик-хуқуқий мақомини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги Фуқаролик кодекси, 1991 йил 15 февралдаги «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, 1999 йил 14 апрелдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, 2003 йил 29 августдаги «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, 2007 йил 3 январдаги «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, 2019 йил 6 декабрдаги «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон «2021 –2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, итисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик-хуқуқий мақомини такомиллаштиришга доир муаммолари умумназарий жиҳатдан ва махсус тарзда қатор хуқуқшунос-олимлар, жумладан, М.Э.Абдусаломов, Ҳ.Б.Бобоев, С.С.Гулямов, И.Б.Зокиров, Б.И.Ибратов, Д.М.Қараходжаева, Н.С.Нарматов, О.Оқюлов, Ҳ.Р.Раҳмонқулов, Ш.Н.Рўзиназаров, Б.Б.Самархўжаев, Ж.И.Юлдашев, Ш.Н.Назаров, Т.М.Туребеков³ ва бошқалар томонидан чуқур таҳлил этилган. Лекин олиб борилган илмий тадқиқот ишларида бевосита нотижорат ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муаммолар чуқур тадқиқ этилмаганлигини кўриш мумкин.

¹<http://www.minjust.uz/uz/about/statistics>

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

³Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Шу билан бирга, нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муаммолар илмий-назарий жиҳатдан МДХ давлатлари олимларидан Л.И.Потягаева, Е.П.Лихотникова, Е.А.Краснопольская, Е.В.Шаклеина, К.А.Васина, В.Н.Сидоров, А.В.Меняев, Н.И.Карпова, Т.В.Сойфер, М.В.Менджул, Л.В.Машковська¹ ва бошқалар томонидан алоҳида тарзда тадқиқ этилганлигини кўриш мумкин.

Хорижий мамлакатларда нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомига оид масалалар у ёки даражада Lester M. Salamon ва Susan L. Q. Flaherty, O.V.Breen, E.Hartay, T.J.Van Der Ploeg, T.Von Hippel, F.Maier, M.Meyer ва M.Steinbereithnerлар² томонидан тадқиқ этилган. Лекин бу олимлар олиб борган тадқиқотлар ва илмий ишланмалар улар давлатлари қонунчилиги ҳамда амалиёти нуқтаи назаридан келиб чиқиб тадқиқ этилган, шундай бўлса ҳам бу тадқиқотлар ушбу диссертация тадқиқоти учун зарур илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Мавзуга доир олиб бориладиган тадқиқот иши асосан нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган амалдаги фуқаролик қонунчилиги, тегишли соҳа қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро ҳуқуқ тизимлари асосида таҳлилий таққослаш орқали амалга оширилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари” (2014-2019) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нотижорат ташкилотлари тушунчаси ва моҳиятини очиб бериш;

нотижорат ташкилотларининг турлари ва юридик шахс сифатидаги белгиларини таҳлил қилиш;

нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланишини ўрганиш;

нотижорат ташкилотларининг вужудга келиши ва рўйхатдан ўтказиш масалаларини тадқиқ этиш;

нотижорат ташкилотларини қайта ташкил этилиши усулларининг қўлланилишини ўрганиш;

нотижорат ташкилотларининг тугатишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

¹Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

²Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

нотижорат ташкилотларининг мулкый асосларини таҳлил қилиш;
нотижорат ташкилотларининг жавобгарлигини белгилаш муаммоларини ўрганиш;

нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти нотижорат ташкилотлар фуқаролик-ҳуқуқий маоқмини такомиллаштириш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети нотижорат ташкилотлар фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тарихий, тизимли-тузилмавий, киёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини белгиловчи омиллардан бири сифатида улар томонидан ўтказиладиган муайян тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш тартибининг белгиланиши асослантирилган;

чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши асослаб берилган;

нотижорат ташкилотининг бир тури сифатида бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти – бир ёки бир нечта иш берувчида ишлайдиган ёки тегишли таълим муассасасида ўқийдиган касаба уюшмаси аъзоларининг тегишли касаба уюшмаси устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий бирлашмаси эканлиги асосланган;

жамоат бирлашмаларининг алоҳида тури бўлган касаба уюшмаларининг мулкни дахлсизлиги ва у қонун билан қўриқланиши зарурлиги асослаб берилган;

касаба уюшмаларининг мисолида нотижорат ташкилотининг мол-мулкни национализация, реквизиция ва мусодара қилинмаслиги лозимлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

нотижорат ташкилотининг юридик шахс сифатидаги ўзига хос хусусиятлари аниқлангани ҳолда, ушбу тушунчанинг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунида ифодалаш зарурати асосланган;

ташкилотларнинг турларга бўлиш асослари, уларнинг тўлиқ рўйхати ва бу рўйхат ёпиқлиги концепциясидан келиб чиқиб Фуқаролик кодексига

нотижорат ташкилотларининг тўлиқ рўйхатини белгилашга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид уюшмалар тузишга оид қарашлар асосланган;

нотижорат ташкилотини қайта ташкил этишда қўлланиладиган усулларнинг тизими ва уларни қўллашдаги аралаш тартибни олдини олиш мақсадида Фуқаролик кодексини нотижорат ташкилотларини қайта ташкил этишга оид нормалар билан тўлдириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

нотижорат ташкилотлар давлат ва муниципал тузилмалар томонидан ташкил этилишининг ҳуқуқий асосларини белгилаш заруратидан келиб чиқиб, давлат ва муниципал муассасаларга оид нормаларнинг Фуқаролик кодексига киритиш зарурлиги асосланган;

нотижорат ташкилотларининг мол-мулки ва фаолиятини молиялаштиришнинг манбаларини аниқлаштириш, бунда муассасаларга мулкдор-муассис томонидан ажратиладиган молиялаштиришнинг минимал миқдорини қонунчиликда белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асослангани, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, фуқаролик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида хусусий ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланишига оид таклиф

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-566-сон “Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2021 йил 12 февралдаги 05/1-01-27-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан тадбирлар ўтказиш тартиботини аниқлаштиришга хизмат қилган;

чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-566-сон “Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2021 йил 12 февралдаги 05/1-01-27-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши нодавлат нотижорат ташкилотлари чет давлатларидан маблағлар олиш тизимини тартибга солиш изчиллигини оширишга хизмат қилган;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти касаба уюшмаси устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий бирлашма эканлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрдаги ЎРҚ-588-сон “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунининг 3-моддаси иккинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2021 йил 12 февралдаги 05/1-01-27-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларнинг мақомини аниқлаштириш ва улар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилашга хизмат қилган;

касаба уюшмаларининг мулки дахлсизлиги ва у қонун билан қўриқланиши лозимлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрдаги ЎРҚ-588-сон “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунининг 14-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2021 йил 12 февралдаги 05/1-01-27-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг

амалга оширилганлиги касаба уюшмалари мол-мулкининг дахлсизлигини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш самарадорлигини ошишига хизмат қилган; касаба уюшмаларининг мол-мулки национализация, реквизиция ва мусодара қилинмаслиги оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрдаги ЎРҚ-588-сон “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунининг 14-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2021 йил 12 февралдаги 05/1-01-27-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилганлиги касаба уюшмалар мулк ҳуқуқининг кафолатларини аниқлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан 5 та илмий мақола (1 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомига умумий тавсиф”** деб номланган биринчи бобида нотижорат ташкилотлари тушунчаси ва моҳияти, нотижорат ташкилотларининг турлари ва юридик шахс сифатидаги белгилари, нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши каби масалалар таҳлил қилинган.

Қонунчиликда “нотижорат ташкилоти” атамаси тўғридан-тўғри қўлланилмайди. Аксинча, ушбу атама ўрнига “тижоратчи бўлмаган ташкилотлар”, “нодавлат нотижорат ташкилотлар” каби атамалар ишлатилади. Масалан, ФКнинг 40-моддасида юридик шахсларнинг фойда олишни асосий мақсади қилиб олмаган юридик шахс – тижоратчи бўлмаган ташкилот сифатида кўрсатилган. Тадқиқот ишида бир қатор ҳуқуқшунос

олимлар (Г.Ягудина, Н.Имомов, С.Мысин, П.Ю.Гамольский, И.П.Грешников)нинг фикрлари таҳлил қилиниб, нотижорат ташкилотлари атамасининг қўлланилиши борасида қабул қилинган умумий фикрлар ва ушбу атамани ҳуқуқни қўллаш амалиётида кенг ва чуқур сингиб кетганидан келиб чиқиб, уни ўзгартириш ёки ўрнини босувчи бошқа атама билан алмаштириш фикридан йироқ қолган ҳолда, ушбу атамага нисбатан қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилади.

Диссертацияда юридик шахслар тизимида нотижорат ташкилотларни фарқлашнинг функционал ва иқтисодий ёндашувлар таҳлил қилинади. Муаллифнинг ёзишича, тижоратчи ва нотижорат ташкилотларни бир биридан фарқлаш мезонининг мавжуд бўлиши нафақат назарий балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда нотижорат ташкилотнинг мақоми унинг фаолият мазмунидан келиб чиқиб эмас, балки ташкилий-ҳуқуқий шаклидан келиб чиқиб белгиланади. Юридик шахснинг шакли нотижорат ташкилотнинг яна бир шаклий белгиси ҳисобланади. Агар амалиётда нотижорат ташкилоти умумий тушунчасининг моҳиятан белгиси шартли категория ҳисобланса, юридик шахснинг шакли ушбу ташкилотнинг мақомини белгиловчи бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ташкилотни тижоратчи ёки нотижорат ташкил сифатида белгиловчи мезон сифатида тан олиниши мумкин эмас. Доктринада нотижорат ташкилот учун фойда келтирадиган фаолият ҳар доим кўшимча характер касб этади, у фақат мол-мулкни шакллантириш, улар томонидан ижтимоий фойдали мақсадларни амалга оширишга ёрдам беради деган фикр кенг тарқалган.

Бугунги тараққиёт жараёнида нотижорат ташкилотлар нафақат ижтимоий ҳаёт балки аксарият хўжалик муносабатларининг ҳам тенг ҳуқуқли аъзосига айлантирди. Барқатор ташкилий тузилмага эга бўлган ҳолда нотижорат ташкилотлар ижтимоий эҳтиёжларни кенгайтиришига олиб келади ва кўшимча иқтисодий неъматлар ва хизматлар истеъмолчиларга етказилишига имкон беради. Нотижорат ташкилотларни турли мезонларга кўра таснифлаш ушбу жамоат тузилмасини мазмуни, аҳамияти ва ўрнини аниқлаш, бу борадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, улар фаолиятини самарадорлигини ошириш жамиятдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва умумий ривожини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот ишида ҳуқуқшунос олимлар (О.А.Вавилова, И.В.Трунин, Л.Р.Ларина, В.И.Пилипенко, Ю.С.Попова, Г.Н.Пряхин, Н.Н.Ибрисов, И.Г.Сакович, Н.В.Жовнир, Н.В.Семенова)нинг қарашлари ўрганилиб, нотижорат ташкилотларни қуйидаги белгиларга кўра турларга бўлиниши мақсадга мувофиқлиги асослантирилади.: 1. Ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра, 2. Мулкчилик шаклига кўра, 3. Фаолият доирасига кўра, 4. Давлатнинг иштирокига кўра, 5. Аъзоликка кўра, 6. Мол-мулкка нисбатан ҳуқуқларга кўра, 7. Таъсис ҳужжатининг хусусиятига кўра, 8. Нотижорат ташкилотнинг фаолият доирасига кўра, 9. Фаолият турларига кўра, 10. Нотижорат ташкилотлар фаолияти объектига кўра, 11. Нотижорат ташкилотларнинг

даромад манбаига кўра, 12. Нотижорат ташкилотлар ҳаражатларига кўра, 13. Ахборот каналидан фойдаланиш тажрибасига кўра, 14. Нотижорат ташкилотларнинг ўзаро алоқасига кўра.

АҚШда нотижорат ташкилотларини 3 гуруҳга бўлиш мумкин: норасмий ташкилотлар; инкорпорациялашган нотижорат ташкилотлар (корпорациялар); солиқ қонунчилигига асосан солиқдан озод қилинган ташкилотлар (Internal Revenue Code). АҚШда нотижорат ташкилотларнинг мақсадли капиталини шакллантириш учун қарор қабул қилишда нисбатан кенг имкониятларга эга. Россия Федерацияси қонунчилигидан фарқли равишда ушбу жараёнда белгиловчи омил бўлиб хизмат қилмайди. Одатда, фонд муддати белгиланган ҳолда ташкил қилинади, шунингдек унинг аниқ муддати донор билан келишувда назарда тутилиши мумкин. Энг кам миқдор ҳам белгиланмаган, бу эса, кичик ташкилотларга ҳам мақсадли капитал воситасида узоқ муддатли молиявий ресурсларни йиғиш имконини беради. Амалга оширилган таҳлиллар асосида ФКнинг 78-моддаси биринчи қисмига қўшимча сифатида “Нотижорат корпоратив ташкилотлар” номли 78¹-модда киритиш таклифи асослантирилган.

“Нотижорат ташкилотларининг вужудга келиши ва бекор бўлишининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари” деб номланган иккинчи бобда нотижорат ташкилотларининг вужудга келиши ва рўйхатдан ўтказиш масалалари, нотижорат ташкилотларини қайта ташкил этилиши усуллариининг қўлланилиши, нотижорат ташкилотларининг тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

Нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий табиати, уларни ташкил этишнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, юридик шахсларни ташкил этишнинг буйруқ, хабардор қилиш ва рухсат олиш усулларида ташкил этилишини қайд этиш мумкин. Масалан, буйруқ усулида одатда, давлат муассасалари ташкил этилади. Нотижорат ташкилотининг ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклини ташкил этишда давлат органи буйруқ (қарор ёки фармон) қабул қилиш йўли билан муассасани ташкил этади. Муаллифнинг фикрича, қонунчиликда “жамоат бирлашмасининг мақсадига оид қоидалар”ни белгиланиши ҳамда уни уставда акс этиши талабини назарда тутилиши мақсадга мувофиқ эмас. Бу ҳолат жамоат бирлашмаларини ташкил этиш, улар фаолиятини йўлга қўйишда турли чеклашлар, қонун нормасини турлича талқин этиш ҳамда жамоат бирлашмаларини ташкил этиш тартибини мураккаблашувига олиб келади. Шу сабабли “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасини биринчи қисмидаги 3, 4-моддаларга оид талабларни чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Қонунчиликда нотижорат ташкилотларини қайта ташкил этишга оид қоидалар ноаниқ тарзда белгиланган ва унда қўлланилган юридик терминлар ҳам ноўрин ишлатилган. Масалан, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси “жамоат бирлашмалари фаолиятининг тўхтатилиши” деб номланади ва унда асосан қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари белгиланган. Нотижорат ташкилотни тижорат ташкилоти шаклида қайта

ташкил этишда унинг аъзолари таркиби ҳамда ташкилотнинг мол-мулкини тасарруф этиш билан боғлиқ муаммо юзага келади. Шу билан биргаликда, миллий қонунчилигимизда айрим ҳолатларда муассасалар қайта ташкил этилган ҳолатлар учрайди. Юридик шахсларни қайта ташкил этилишини чеклаш қонун ҳужжатларида белгиланиши мумкин. Бундай қоидалар ФКнинг 49-моддаси 1-қисмига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади.

Юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юридик шахсни давлат рўйхатидан чиқариш билан бир вақтда тугатилишини англатади. Бу ўринда нотижорат ташкилотларини тугатиш ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Назарий жиҳатдан қараганда, юридик шахсни тугатиш ихтиёрий ва суд тартибида амалга оширилиши мумкин. ФКнинг 53-моддасида юридик шахсни тугатиш ихтиёрий ва мажбурий асослари санаб кўрсатилади. Муаллифнинг фикрича, Гарчи нотижорат ташкилоти мол-мулкини тақсимлашнинг чекланиши нотижорат ташкилотнинг олдига қўйилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда маълум даражада мақсадга мувофиқ бўлсада, кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк тақдирини белгилаш мақсадга мувофиқ. Шу боисдан “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги қонунга янги “тугатилаётган нотижорат ташкилотининг мол-мулки” номли 36¹-модда киритилиши мақсадга мувофиқ.

“Нотижорат ташкилотларининг мулкӣ асослари ва фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлигини такомиллаштириш” деб номланган учинчи бобда нотижорат ташкилотларининг мулкӣ асослари, нотижорат ташкилотларининг жавобгарлигини белгилаш муаммолари, нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш таҳлил қилинган.

Нотижорат ташкилотларининг алоҳида ташкилий-ҳуқуқӣ шакллари бағишланган махсус қонунларда эса, уларнинг мулкӣ асосларини белгиловчи алоҳида нормалар ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, нотижорат ташкилотларнинг барчасига оид бўлган қоидаларни ифода этувчи “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 5-бўлими нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятининг иқтисодӣ асослари деб номланади.

Европа мамлакатларида сиёсий ҳужжатлар одатда икки тарафўртасидаги ўзаро интилиш ва музокаралар натижасида вужудга келади. Улар келишув ёки шартнома сифатида маълум бўлган икки томонлама ҳужжат сифатида ҳам намоён бўлади. Давлат органи ва нотижорат ташкилоти ўртасидаги ушбу сиёсий ҳужжатда давлат органи ва нотижорат ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик мақсадлари ва принциплари қисқачабаён қилинган бўлади. Бундай ҳужжат намуналарини Хорватия, Эстония, Англия, Шотландия ва Францияда топиш мумкин. Жумладан, Англияда Ҳукумат ҳамда волонтерлар ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги Шартномада “Ҳукумат билан ихтиёрий ва жамоат бирлашмалари сектори ўртасидаги муносабатларни яхшилаш мақсадида умумий фойдага ва жамият манфаатига эришиш” сифатида баён қилинган.

Нотижорат ташкилотларнинг жавобгарлиги масаласи Фуқаролик кодексида алоҳида тартибда белгиланган. Бироқ, уларга нисбатан ҳам ФКнинг 48-моддасида белгиланган юридик шахснинг жавобгарлигига оид қоидалар қўлланилади.

Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 4-боби 3 параграфига 72¹-модда “Нотижорат ташкилотлар тўғрисида умумий қоидалар” тарзида ифодаланиши лозим.

ХУЛОСА

Нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш мавзусидаги тадқиқот иши натижасида қуйидаги илмий-назарий ҳамда амалий таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий таклиф ва хулосалар:

1. Нотижорат ташкилотларининг бош мақсади муайян муштарак мақсадларга эришиш ҳамда фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган маданий соҳадаги фаолият юритиш ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, нотижорат ташкилотларининг ахлоқий ва умуминсоний тамойиллар асосида иш олиб боришини талаб қилади. Ҳозирда нотижорат ташкилотлари, хусусан, нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ахлоқий жиҳатларининг ҳуқуқий мезонларини белгилаш ҳамда уларга риоя этилиши мамлакатимизда тарқоқ ҳолдадир. Шу сабабли жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари Ахлоқ кодексини қабул қилиш ва унда ННТлар риоя қилиши лозим бўлган муҳим қоидаларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

2. Амалга оширилган таҳлиллар асосида Европа Иттифоқида амал қилувчи Нодавлат нотижорат ташкилотлари ахлоқ кодексида белгиланган нотижорат ташкилотлар муҳим принциплар: жавобгарлик ва жамият фаровонлиги учун хизмат қилиш, жамоатчилик учун очиқлик, нотижорат секторнинг ҳисобдорлиги ва шаффофлиги, инсон ҳуқуқлари ва кадр-қимматини кадрлаш, қонунийлик ва ҳалоллик миллий нотижорат ташкилотлари учун ҳам зарурий тамойил сифатида белгиланиши асослантирилди. Бунда нотижорат ташкилотларининг фаолияти давомида амал қилиши лозим бўлган тамойиллар қонунчиликда даражасида аниқ ифодаланиши ва улар деклоратив тусда эмас, балки амал қилиш механизмига эга нормалар сифатида белгиланиши зарур.

3. Ривожланган давлатларда нотижорат ташкилотлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми ва фаолияти бевосита жамоатчиликнинг уларга бўлган ишончи билан белгиланади. Нодавлат нотижорат ташкилотларига нисбатан жамоатчилик ишончининг юқорилиги эса уларнинг мол-мулкни жалб этиш манбаларини кенгайтириш ҳамда фаолият йўналишларини кенгайтириш имкон беради. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳам нодавлат нотижорат ташкилотларига жамоатчилик ишончи рейтингини жорий этиш ва юритиш ҳамда шу асосда улар учун давлат ва нодавлат тузилмалари томонидан ажратиладиган грантлар, субсидиялар ва турли солиқ имтиёзларини бериш ўринли бўлади. Бу ўз навбатида

ННТларнинг қонуний, ҳалол ва жамият манфаатлари йўлида жавобгарликни хис қилиб фаолият юритишлари учун замин яратади.

4. ННТ мол-мулк шаклланиш манбалари таркибига хайр-эҳсон киради. Бироқ турли ҳолатларда ННТ раҳбарларига ҳадялар ёки турли кўринишдаги совғалар (масалан, зиёфатга, маданий тадбирларга, сайёҳатга таклиф этилиши) берилиши мумкин, бу эса ўз навбатида ҳадя берувчи олдида ННТ раҳбарларининг муайян мажбуриятини юзага келтиради. Шу сабабли жаҳон амалиётида ННТларнинг ҳадя олмаслик принципи амал қилади. Қолаверса, рамзий совғалар ҳам қийматидан келиб чиқиб рўйхатдан ўтказиш (масалан, 20 евродан 100 еврогача бўлганлари) ва қиймат юқори бўлган совғаларни (масалан, 100 евродан юқори) қабул қилишни рад амалиёти йўлга қўйилган. Фикримизча, бундай тартиб Ўзбекистон ННТларига нисбатан ҳам жорий этилиши ҳамда тегишли тартибда жорий этилиши лозим.

5. Бугунги кунда виртуал юридик шахслар билан боғлиқ муносабатлар ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, ҳозирда виртуал корхона, юридик шахс каби тушунчалар ва шу ном остида фаолият олиб бораётган “тузилмалар” пайдо бўлмоқда. Виртуал нотижорат ташкилотлари ҳам интернет майдонида фуқароларнинг фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган муштарак мақсадларини амалга ошириш, манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилиши ва фаолият юритиши мумкин бўлади. Бунда улар муайян мақсадларни кўзлаб фаолиятини ташкил қилади. Масалан, фантаст ёзувлар уюшмаси, блогерлар иттифоқи, онлайн ҳуқуқий маслаҳат альянси, виртуал музей, виртуал фонд кўринишида тузилиши ва виртуал оламда мавжуд бўлиши мумкин. Бу эса, уларнинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ масалани қонунчилик нуқтаи назаридан белгилаш заруратини келтириб чиқаради. Чунки, ушбу виртуал тузилмалар интернет майдонида ўз номидан шартномалар тузиши, турли субъектлар билан ҳуқуқий алоқаларга киришиши, фуқаролик муомаласида қатнашиши мумкин. Мазкур вазиятда ушбу тузилмаларнинг органлари ваколати доирасида легитимлиги масаласини аниқлаш зарурати юзага келади.

6. Амалдаги қонунчиликда муассасалар мулкчиликнинг қайси шаклида ташкил этилиши назарда тутилмаган. Бироқ қонунчиликда муассасаларга оид нормаларнинг аксарияти давлат муассасаларнинг мақоми ва фаолияти билан боғлиқлигини кўриш мумкин (ФКнинг 178, 180-моддалари). Шу сабабли қонунчиликда давлат муассасалари ва хусусий муассасаларга оид нормаларини аниқлаштириш, уларнинг ҳар бирига хос бўлган муайян қоидаларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

7. ФКда муассасаларни молиявий таъминлаш муассис томонидан амалга оширилиши белгиланган. Бироқ бундай молиялашнинг энг кам миқдори ва уларни шакллантириш муддатлари назарда тутилмаган. Бу эса ўз навбатида, муассасаларнинг устав фондини шакллантириш ва уларни рўйхатдан ўтказишга нисбатан турлича ёндашув бўлишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли қонунчиликда муассасаларга мулкдор-муассис томонидан

ажратиладиган молиялаштиришнинг минимал миқдорини белгилаш мақсадга мувофиқ.

8. Ҳозирги пайт давлат муассасаларининг вужудга келишидаги муайян ҳолатлардан келиб чиқиб, қабул қилиниш арафасида турган “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида” ги қонун лойиҳасида давлат юридик шахсларини ташкил этиш тартибини аниқлаштиришга оид нормаларни киритиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат муассасалари тўғрисида” ги Низомини қабул қилиш лозим бўлади. Бунда давлат муассасасини ташкил этиш борасидаги давлат органларининг ваколатлари, давлат муассасаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби белгиланиши зарур. Бу ҳолатлар давлат муассасалари фаолиятидаги изчилликни ошириш ва улар фаолиятидаги аниқликни белгилаш билан бирга, давлат мол-мулкани мақсадли ишлатиш имкониятини беради.

9. Маълумки, муассасаларга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳам руҳсат берилган. Бу фаолиятнинг мулкӣ асоси ва ундан олинадиган даромад ҳам муассасанинг ўзига тегишли бўлганлиги сабабли ҳам мазкур фаолиятдан юзага келадиган мажбурият учун муассасанинг ўзи жавобгар бўлиши лозим. Мазкур асосдан келиб чиқиб ФКнинг 76-моддаси 3-қисмини кўйидаги таҳрирда ифодалаш зарур:

Муассаса тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблағлари билан жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, тегишли мол-мулкнинг эгаси унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

10. Айрим муаллифларнинг нотижорат ташкилотлар фуқаролик муомаласида иштирокини фақат муҳрга эга бўлиш билан чеклаши борасидаги фикрлари нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик муомаласида иштирок этишининг ўзига хос хусусиятини очиб бермайди. Фуқаролик муомаласи бир қатор талабларни шу жумладан, мол-мулкка эга бўлиш, ўз номидан иштирок этиш, фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик ва бошқа мезонларни кўядики, ушбу мезонларсиз нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик муомаласида иштирокини тўлақонли ёритиб бўлмайди.

11. Юридик шахсларни фаолият мақсадидан келиб чиқиб турларга бўлиш мезони асосида нотижорат ташкилотлари номли гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. Юридик шахс ташкил топиб фаолият юрита бошлагандан кейин унинг фаолият йўналиши ёки мақсадини белгилаб қўйиш ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасини чегаралаш ҳуқуқӣ нуқтаи назардан тўғри бўлмайди. Чунки ҳар қандай ҳуқуқ субъекти каби юридик шахс у ёки бу фаолият турини ўзи танлайди ва фаолиятининг мулкӣ асослари ва моддий манбаини шакллантириш ҳам унинг вазифасидир. Агар юридик шахс муайян бир фойда олишни кўзламас экан, бунинг учун қонунчилик унга нисбатан тегишли имтиёзларни назарда тутати. Бу эса, юридик шахсни тижоратчи ёки нотижорат ташкилоти сифатида талқин этиш асоси ҳисобланмайди.

12. Муайян юридик шахсни нотижорат ташкилот сифатида эътироф этишнинг асосий мезони сифатида “фаолият мақсади” эмас, “фаолият йўналтирилганлик соҳаси” эътиборга олиниши лозим. Ва охир оқибатда бундай соҳа фуқароларнинг маънавий, моддий ёки ўзга эҳтиёжларини таъминлашга қаратилиши лозим. Белгиловчи омил сифатида эса, жисмоний шахснинг маънавий эҳтиёжларини таъминлаш соҳаси бўлмоғи зарур.

